

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

ТАСДИҚЛАНГАН

Р-000487-09

9.02.2018

«O'ZBEKGIDROENERGOQURILISH»  
акциядорлик жамияти Ягона  
акциядорининг  
2018 йил «31» январь қарори



МС

«O'zbekgidroenergoqurilish» AJ  
Қўзғатув кенгаши раиси



Д.А. Тургунов

**«O'ZBEKGIDROENERGOQURILISH»  
AKSIYADORLIK JAMIYATI**

**УСТАВИ**

**(янги таҳрири)**

## 1. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган. Мазкур устав акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжати ҳисобланади ва унинг мақсади акциядорлик жамиятини ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек жамият акциядорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2. «O'zbekgidroenergoqurilish» aksiyadorlik jamiyati (bundan буён матнда – “Жамият” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тadbirkorlikни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 30 сентябрдаги 130к-ПО-сонли “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” трестини «O'zbekgidroenergoqurilish» очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида”ги буйруғига асосан ташкил этилган ва Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман Tadbirkorlik субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2004 йил 18 ноябрда 000487-09-сон билан рўйхатга олинган.

Жамият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2972-сонли қарорига асосан «O'zbekgidroenergo» акциядорлик жамияти таркибига киради.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қозғалар бозори тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур устав асосида юритади.

4. Жамият тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, ўз фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, инвесторлар учун очиклик ва жозибадорликни таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, Жамиятни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш асосида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратишни;

замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлим ва лавозимларни босқичма-босқич жорий этиб бориш орқали Жамиятнинг бошқарув тузилмасини тубдан қайта ташкил этишни;

Жамиятни стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар ролини оширишни;

етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида Жамиятнинг бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, жамиятда раҳбарлик лавозимларига чет элик юқори малакали менежерларни жалб қилишни ўзининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилайди.

5. Жамият акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахсининг талабига қўра уч иш қилиш ичиди уларга Жамиятнинг ушбу уставни, шу жумладан, уставга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини беради. Жамият акциядорнинг талабига қўра қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда унга мазкур уставнинг қўчарма нусхасини беради.

## II. ЖАМИЯТНИНГ ФИРМА НОМИ, ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

6. Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган қуйидаги тўлиқ ва қисқартirilган фирма номига эга:

Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

- давлат тилида: «O'zbekgidroenergoqurilish» aksiyadorlik jamiyati
- рус тилида: Акционерное общество «Узбекгидроэнергоқурилиш»
- инглиз тилида: Joint-Stock Company «Uzbekgidroenergokurilish»

Жамиятнинг қисқартirilган фирма номи:

- давлат тилида: «O'zbekgidroenergoqurilish» AJ
- рус тилида: АО «Узбекгидроэнергоқурилиш»
- инглиз тилида: JSC «Uzbekgidroenergokurilish»

7. Жамият ўзи билан алоқа амалга ошириладиган қуйидаги почта ва электрон почта манзилга эга:

жамиятнинг жойлашган почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22- уй.

жамиятнинг электрон почта манзили: [uzges@uzgidro.uz](mailto:uzges@uzgidro.uz)

жамиятнинг веб-сайти: [www.uzbekgidroenergoqurilish.uz](http://www.uzbekgidroenergoqurilish.uz)

8. Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни ва давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юзориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этади.

## III. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

9. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондида (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади. Ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

11. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилади.

12. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

13. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эгадир. Муҳрда бир вақтнинг ўзида Жамиятнинг фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

14. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимесолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини аке эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

15. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

16. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

17. Акцияларнинг ҳақини тўлик тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

18. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

19. Жамият масъулияти чекланган жамият ва акциядорлик жамияти шаклидаги шўъба ёки тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

20. Шўъба хўжалик жамияти Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Жамият эса шўъба хўжалик жамиятининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

21. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

#### **IV. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

22. Жамият фаолиятининг асосий мақсади ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

23. Жамиятнинг асосий фаолият соҳаси истеъмолчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни, хизматларни кўрсатиш ва бошқа фаолият соҳаларида хизматларга бўлган эhtiёжларни қондириш ҳисобланади.

24. Жамият ўз мақсадига эришиш учун қуйидаги асосий фаолият турларини амалга оширади:

1) энергетика, объектларини, электростанцияларни, гидротехника, саноат ва ижтимоий маиший объектларни, шунингдек турар жой ва кишлоқ хўжалиги объектларини қуриш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

2) махсус қурилиш ва монтаж ишлари, шу жумладан гидротехника, пармалаш-портлатиш, туннель қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш;

3) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида таджикот, лойиҳа, таъмирлаш, тиклаш, ишга тушириш ишлари, транспорт ва матбаа хизматлари, шунингдек бошқа турдаги ишларни амалга ошириш;

4) қурилиш объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш, биноларни, саноат, ижтимоий, маданий, маиший иншоотларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш, корхоналар ва ташкилий-ҳуқуқий ва мулк шаклидан қатъий назар ташкилотлар ёки муассасаларнинг буюртмалари бўйича қурилиш-монтаж, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш ишлари;

5) Буюртмачиларнинг буюртмасига асосан махсус лойиҳа ташкилотлари билан ҳамкорликда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

6) лойиҳа-конструкторлик, илмий текшириш, тадқиқот ва экспериментал ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш, қурилиш материаллари ва конструкцияларни ишлаб чиқариш;

7) энергетика, гидротехника ва сув хўжалиги корхоналарига ҳамда бошқа корхоналарга ўзаро фойда асосида ташқи иқтисодий фаолиятга доир хизматларни кўрсатиш;

8) шартнома асосида "O'zbekgidroenergo" AJ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарга ҳамда бошқа ташкилотларга моддий техника ресурсларини, асбоб ускуналарни, эҳтиёт қисмларни, машина ва механизмларни, шунингдек бошқа товарларни реализация қилиш;

9) ихтисослашган транспорт хизматларини кўрсатиш;

10) объектларнинг технологик бутланишини амалга ошириш;

11) ҳар-хил кесилмалли ер ости ишлаб чиқариш ишларини барпо этиш;

12) ер ости ва ер усти карьерларида, автомобил йўллари ва каналларда бурғулаш-портлаштириш ишлари, тупрокни юмшатиш, чуқурликларда контур портлаш усулини қўллаган ҳолда профиль ишларни амалга ошириш;

13) махсус гидротехник ишлар (инъекцион ва цементли тушама, қатламлаш, майдонли цементлаш, бўшлиқларни йўқотиш ва қурилиш чокларини цементлаш)ни амалга ошириш;

14) сув қудуқларини бурғулаш ва жиҳозлаш;

15) тупрок қатламларини кимёвий усулда мустаҳкамлаш;

16) бетон иншоотларни таъмирлаш ёки (бетонли цементлаш, торкрет сачратма-бетон) вули билан бутлаш;

17) кўп қаватли баланд бино ва иншоотларни қуриш;

18) нано технологияларни жорий қилиш ва ишлаб чиқариш, маҳаллий ва хорижий технологияларни тадбиқ этиш;

19) юридик ва жисмоний шахсларга қурилиш, манший ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш;

20) ижара фаолиятини амалга ошириш, кўчар ва кўчмас мулкларни ижарага бериш;

21) кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини оширишни ташкил этиш;

22) улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш;

23) халқ истеъмол моллари ва техник ишлаб чиқариш йўналишидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;

24) пудрат, етказиб бериш, ижара, қарз, фьючерс, комиссия, саклаш, ваколат бериш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган битимлар, келишувлар ва шартномалар бўйича саноат, техник, комиссия, траст, лизинг, муҳандислик, ташкилий ва бошқа хизматларни кўрсатиш (ишларни бажариш);

25) ўзининг шўъба ёки тобе хўжалик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш;

26) объектларни қуриш ва модернизация қилиш, таъмирлаш (шу жумладан капитал ва жорий таъмирлаш) бўйича бош пудрат ташкилоти сифатида иштирок этиш;

27) қонуи ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириши.

25. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонуи ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

26. Махсус руҳсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турларини Жамият шундай лицензияга эга бўлган амалга оширади.

## **V. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)**

27. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

28. Жамият устав фонди (устав капитали)нинг миқдори 16 992 430 000 (ўн олти миллиард тўққиз юз тўқсон икки миллион тўрт юз ўттиз минг) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 3000 (уч минг) сўм бўлган 5 640 810 (беш миллион олти юз қирк минг саккиз юз ўн) дона акцияларга, шундан 5 474 076 (беш миллион тўрт юз етмиш тўрт минг етмиш олти) дона эгаси ёзилган оддий ва 166 734 (бир юз олти миш олти минг етти юз ўттиз тўрт) дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга бўлинган.

29. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади, қонуи ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустафно.

## **VI. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)НИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

### **Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш**

30. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Кўшимча акциялар фақат мазкур уставда белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

31. Жамият устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган, эълон қилинган акцияларининг номинал қиймати 3000 (уч минг) сўм бўлган 5 114 568 (беш миллион бир юз ўн тўрт минг беш юз олти миш саккиз) дона эгаси ёзилган оддий ва 1 916 633 (бир миллион тўққиз юз ўн олти минг олти юз ўттиз уч) дона эгаси ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

32. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартириш (кўшимча)лар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият қузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

33. Жамиятнинг қузатув кенгаши томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

34. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидентлар ҳисобидан қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

35. Устав капитални қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топилган улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

36. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Жамият кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

37. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланидиган қимматли қоғозларни очик ва ёпик обуна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

#### **Жамиятнинг устав фонди (устав капитал)ни камайтириш**

38. Жамиятнинг устав фонди (устав капитал) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

39. Жамият устав фондиди (устав капитални) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори жамият устав фонди (устав капитал)нинг Жамиятнинг мазкур уставидagi тегишли ўзгаришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланган ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан камайиб кетса, ҳақли эмас.

40. Жамиятнинг устав фондиди (устав капитални) камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

41. Жамиятнинг устав фондиди (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарорда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондиди (устав капитални) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибни белгилайди.

#### **VII. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

42. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

43. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби кўрилади.

44. Акцияларга эгаллик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

45. Имтиёзли акциялар эгалари Жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоги амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

46. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

## VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

47. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

48. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

49. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорда ажратмалар ўтказилади.

50. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларда у соф фойданинг мажбурий ажратмаларидан тикланади.

51. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

52. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

## IX. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

53. Дивидендлар Жамиятнинг тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

54. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

55. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

56. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

57. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

58. Имтиёзли акция ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 25 фоизи миқдорда биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

59. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонуни ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

60. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият қўзғатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.



61. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

62. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

63. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

64. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларининг дивидендларни олинга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

65. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

66. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.

67. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган қиймат (туғатилиш қиймати) имтиёзли акциялар номинал қийматининг 125 фоизини ташкил қилади.

68. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддасида назарда тутилган ҳолларда имтиёзли акцияларни Жамият томонидан сотиб олиш имтиёзли акциялар номинал қийматининг 125 фоизига тенг нарх бўйича амалга оширилади.

69. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қўшимча қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилинади.

## **X. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

70. Жамиятнинг бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши
- Кузатув кенгаши
- Ижроия органи (Бош директор)

### **АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ**

71. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

72. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у уларни сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

73. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин маълумланган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

74. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камда етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

75. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

76. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият Бош директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек мазкур уставнинг 80-банди 9 ва 10-қичик бандларига мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари, Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ва бошқа ҳужжатлари қўриб чиқилади.

77. Жамиятда барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлганлиги учун акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Амалдаги Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар барча оддий акцияларининг ягона эгаси бўлган акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, жамиятнинг имтиёзли акциялари ушбу Қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик қўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгилловчи қондалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қондалар бундан мустасно.

78. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

79. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

80. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:

1) Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш, Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

2) Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиш;

3) Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

4) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

5) Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш;

6) ўз акцияларини олиш;

7) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш. Жамият Бош директорини тайинлаш (сайлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек, Жамият кузатув кенгашининг Бош директор билан тузган шартномасини, агар у Жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, шунингдек Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси қўпол равишда бузилган ёки унинг тасдиқланган параметрларининг бажарилиши барбод этилган ҳолларда муддатидан илгари тўхтатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

8) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ҳамда Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

10) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

11) Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

12) Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш;

13) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасида назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;

14) акцияларнинг турлари бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш;

15) акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлик бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

16) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

17) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

18) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

19) Жамият томонидан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк ҳусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) ушбу устав 91-бандининг 19-кичик бандида белгиланган асосларда Жамиятнинг афилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодексини тасдиқлаш;

22) Жамиятни қайта ташкил этиш;

23) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

24) мазкур уставга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

81. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

82. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, маъқур уставда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

83. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш ҳисоблари акциядорлар эътиборига:

акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган савадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиш йули билан етказилади.

84. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камда бир фойзига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органининг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

85. Акциядорлар (акциядор) Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кундан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

86. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

87. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий ҳолатлари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш ҳисоблари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

88. Акциядорлар умумий йиғилишга чақиритиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар қону ҳужжатлари билан тартибга солинади ҳамда "O'zbekgidroenergoqurilish" aksiyadorlik jamiyati акциядорларнинг Умумий йиғилиши тўғрисида"ги низоми билан белгиланади.

## ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

89. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

90. Жамият кузатув кенгашининг фаолият тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган "O'zbekgidroenergoqurilish" aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низоми билан белгиланади.

91. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киреди:

- 1) жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш буйича курилатган чора-тадбирлар тугрисида жамият ижроия органининг хисоботини мунтазам равишда эшитиб борган холда жамият фаолиятининг устувор йуналишларини белгилаш;
- 2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чакориш;
- 3) акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 5) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши хақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 6) жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги шартлардаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йигилиши хал қилиши учун киритиш;
- 7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 8) корпоратив маслаҳатчинин тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи шартномни тасдиқлаш;
- 9) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- 10) ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ҳар ҳафта унинг хисоботларини эшитиб бориш, шунингдек ички аудит хизмати тугрисидаги шартномни тасдиқлаш;
- 11) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш (жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин);
- 12) аудиторлик текширувини ўтказиш тугрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш хақида қарор қабул қилиш;
- 13) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 14) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 15) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 16) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- 17) жамиятнинг шўба ва тобе ҳужжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 18) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тугрисида қарор қабул қилинадиган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоиздан эллик фоизгачани ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тугрисидаги қарор қабул қилиш;
- 19) жамиятнинг афилланган шахси билан битим тузиш тугрисида қарор қабул қилиш. Агар кузатув кенгашининг икки ва ундан ортик аъзоси афилланган шахс бўлса, у холда битим буйича қарор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул

қилинади;

20) жамиятнинг ижроия органи (Бош директор) билан меҳнат шартномаси (контракт) тузиш;

21) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

22) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

23) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш, жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно;

24) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рёисоласини тасдиқлаш;

25) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рёисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

26) акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келадиган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

27) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

28) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.

92. Жамият кузатув кенгаши ҳузурида кузатув кенгаши, ижроия орган аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (соҳа мутахассислари, олимлар)дан иборат таркибда тегишли масалалар, жумладан, низоли масалаларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича комиссиялар (ишчи гуруҳлари) ташкил этилиши мумкин.

93. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

94. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

95. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби тўққуз кишидан иборат.

96. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

97. Жамият Бошқаруви раиси жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас.

98. Айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) буйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

99. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар мазкур уставда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйлиши мумкин.

100. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

101. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига қўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

102. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

103. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

104. Жамиятнинг кузатув кенгаши, агар жамият уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

105. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишнини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

106. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

107. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, Бош директорнинг талабига кўра чакирилади.

108. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чакирилади.

109. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоиздан кам бўлмаслиги керак.

110. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоиздан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

111. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

112. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди.

113. Жамият уставида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин.

114. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

115. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

116. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

117. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган кун жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган кун топширилади.

### ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

118. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг яқкабошчилик асосидаги ижроия орган – Жамият Бош директори томонидан амалга оширилади.

119. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тайинланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Бош директорини лавозимига тайинлаш қоида тарикасида, чет эллик менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

120. Жамият ижроия органининг фаолият тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “O‘zbekgidroenergoqur‘ilish” aksiyadorlik jamiyati Ижроия органи тўғрисида”ги низоми билан белгиланади.

121. Жамият Бош директорининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

122. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

123. Жамият Бош директорининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

1) ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;



- 2) жамият кузатув кенгашининг розидитига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- 3) жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда жамиятнинг манфаатларини ифодалайди;
- 4) банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиб ва жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо қўйиш;
- 5) жамият миқозлари, бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзолаш ва битимлар тузиш;
- 6) ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг пул маблағларини тасаруф этиш;
- 7) ходимларнинг штат жадвалини тасдиқлаш, жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизоминини сақлаб турилишини таъминлаш;
- 8) жамият Бош директори ўринбосарлари, бош муҳандиси ва бош бухгалтерини лавозимга тайинлаш ва озод қилишни "O'zbekgidroenergo" акциядорлик жамияти билан ўриштирилган тартибда келишиб олиш;
- 9) жамиятнинг ходимларига қонун ҳужжатлари ҳамда ички (локал) ҳужжатлар билан белгиланган тартибда ҳақ тўлаш (барча турдаги мукофотлар, устамалар, қўшимча тўловлар ҳамда меҳнат иштироки коэффицентини қўллаш)ни белгилаш;
- 10) жамиятнинг таркибий бўлиналари тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- 11) жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномалар бериш;
- 12) жамиятнинг барча ходимлари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- 13) шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятлари (ваколатхоналари ва филиаллари) уставларини, жамиятнинг ички (локал) норматив ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- 14) жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалардан ташқари;
- 15) жамият таркибий бўлиналарининг ўзаро самарали фаолиятини таъминлаш;
- 16) ишлаб чиқаришни ўстириш, фойда олишни кўпайтириш ва дивидендларни тўлаш каби жамият бизнес-режасининг энг муҳим кўрсаткичлари бажарилишини, шунингдек бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- 17) жамиятни ривожлантириш дастурлари ҳамда бизнес-режалари ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- 18) жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- 19) жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилигини таъминлаш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига трансформация қилинишини таъминлаш;

20) қонун ҳужжатларига мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

21) жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки аудит хизмати талабига кўра тақдим этиш;

22) жамиятнинг асосий воситларини қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш;

23) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

24) жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

25) хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

26) жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

27) жамиятда ходимларнинг ижтимоий қафолатлари ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишига риоя этилишини таъминлаш;

28) жамиятнинг идоравий архиви ишини ташкил этиш ва жамият ҳужжатлари сақланишини таъминлаш;

29) жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ва ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланси қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган савадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

30) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамият кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

31) жамият акциядорларининг кузатув кенгаши ва умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;

32) жамиятнинг шўъба ва тобе жамиятлари раҳбарларининг йиллик бизнес-режа бажарилиши тўғрисида ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

33) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ҳамда жамиятнинг ички (локал) ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

124. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, маъқур уставада ва у билан тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт)да белгиланиб, шартнома (контракт)нинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бош директори билан тузиладиган шартнома (контракт)да унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг

Йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларнинг диврийлиги назарда тутилади.

125. Жамият Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгилаб қўйилади.

126. Жамият Бош директори вазифасини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

127. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамият Бош директори билан тузилган шартнома (контракт)ни ушбу устав билан белгиланган асосларга кўра тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

128. Жамият кузатув кенгаши жамият Бош директори билан тузилган шартнома (контракт)ни, агар у жамиятнинг устав талабларини ёки йиллик бизнес-режа қўпол равишда бузилган ёхуд унинг тасдиқланган параметрларини бажариш барбод этилган ҳолларда Бош директорнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

129. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши томонидан жамият Бош директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият Бош директори ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

## **XI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ**

130. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга уч аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

131. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади ҳамда тафтиш комиссияси тўғрисидаги вазомда аке эттирилади. Айни бир шахс жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

132. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун ҳужжатлари ҳамда жамиятнинг мазкур устави билан белгиланади.

133. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

134. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаши мумкин эмас.

135. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг қамда беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш орқали бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари буйича амалга оширилади.

136. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси тегишли хулоса тузади, ушбу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотлар кўрсатилиши шарт.

137. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички (локал) ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 136-бандида кўрсатилган ахборотларни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

138. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган "O'zbekgidroenergoqurilish" aksiyadorlik jamiyati Тафтиш комиссияси тўғрисида" ги низоми билан белгиланади.

## ЖАМИЯТНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

139. Жамият ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

140. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари, ваколатхоналари, шўъба ёки тобе хўжалик жамиятлари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри ақс этирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари, филиаллари ва шўъба ёки тобе хўжалик жамиятлари фаолиятини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

141. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган "O'zbekgidroenergoqurilish" aksiyadorlik jamiyati Ички аудит хизмати тўғрисида" ги низомига мувофиқ амалга оширади.

142. Ички аудит хизмати ходимлари (айни бир шахс) жамиятнинг ички аудит хизматига кетма-кет уч йилдан ортиқ муддатга тайинланиши мумкин эмас.

## ХИ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ, ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

143. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этади.

144. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органи – жамият Бош директорининг вазифасида бўлади.

145. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги, мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

146. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланади.

147. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан олдинда икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

148. Бухгалтерия, статистика ҳисоботи консолидацияланган ҳисобланади ва жамиятнинг ҳўжалик жамиятлари ҳамда ижроня органининг маълумотлари асосида тайёрланади. Солиқ ҳисоботи ҳар бир солиқ тўловчи томонидан алоҳида, мустақил равишда тайёрланади.

149. Жамият ҳўжалик жамиятлари бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ҳаққонийлиги, ҳар йилги ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга, ҳамда жамиятга ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик корхона директори зиммасига юклатилади.

150. Жамият кўйидаги ҳужжатларни:

жамиятнинг уставини;

уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;

жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни;

жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органи томонидан тасдиқланган ҳужжатларни;

жамиятнинг ҳўжалик жамиятлари, филиаллари ёки ваколатхоналари таъсис ҳужжатларини;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

жамият акциядорлари умумий йиғилишлари, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси қарарномаларини;

жамият Бош директорининг буйруқлари ва кўрсатмаларини;

жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатини;

жамият акциядорларининг реестрларини;

жамият тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини, шунингдек қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳужжатларни сақлаши шарт.

151. Жамият ушбу уставнинг 150-бандида назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек жамият Бошқаруви раисининг буйруқлари, кўрсатмалари ва жамият акциядорларининг реестри бундан мустасно.

152. Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга ушбу уставда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига такдим этади. Ҳақ миқдори жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

153. Жамият сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда такдим қилишга ҳақли.

154. Акциядорлар жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қону билан кўрикландирилган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошқор қилишга ҳақли эмас.

### **XIII. ЖАМИЯТНИНГ ШҮЪБА ВА ТОБЕ ХҲЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ**

155. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин. Шўъба хўжалик жамияти Жамият мажбуриятлари кзасидан жавобгар бўлмайди.

156. Жамият ўзининг шўъба хўжалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзи қўшган хиссалар қиймати доирасида жавобгар бўлади.

157. Шўъба хўжалик жамиятларининг устав фонди (устав капитали) жамиятнинг пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулккий ҳуқуқлари билан қўшилдирилган хиссалари эвазига шакллантирилади.

158. Шўъба хўжалик жамиятининг таъсис ҳужжати унинг Жамият томонидан белгиланган тартибда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ билан келишилган ҳолда тасдиқландирилган уставидан иборатдир.

159. Шўъба хўжалик жамиятининг бошқарув органи унинг директори (раҳбари) бўлиб, у Жамият Бош директори томонидан ўрнатилган тартибда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ билан келишилган ҳолда тайинланади.

160. Жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятига учунчи шахсларни иштирокчи (таъсисчи) сифатида қабул қилиш фақат "Ўзбекгидроэнерго" АЖ кузатув кенгашининг ва бошқарув раисининг расмий розилиги билан амалга оширилади.

### **XIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

160. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритилдирилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини учинчи шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб қучга киради.

161. Агар ушбу уставнинг бирор бир қондаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қонда  
ставнинг бошқа қондаларини тўхтатиш учун асос бўлмайди.

162. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мазкур уставда  
тардга тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, у ҳолда қонун  
ҳужжатларининг қондалари қўлланилади.

163. Жамиятни қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб  
қариш, ўзгартириш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари  
дан белгиланган тартибда амалга оширилади.

164. Мазкур устав билан тартибга солилмаган муносабатлар Ўзбекистон  
спубликасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

«UZBEKGIDROENERGOQURILISH» AJ

ш директори в.в.б.

М.ў.



A handwritten signature in blue ink, which appears to read 'I.M. Gulmiraev'.

И.М. Гулмираев

«UZBEKGIDROENERGOQURILISH»  
AKSIYADORLIK JAMIYATI

УСТАВИ

(шунга қўшилган)

161. Агар ушбу уставнинг бирон бир қондаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қонда уставнинг бошқа қондаларини тўхтатиш учун асос бўлмайди.

162. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, у ҳолда қонун ҳужжатларининг қондалари қўлланилади.

163. Жамиятни қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

164. Мазкур устав билан тартибга солилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

«O'ZBEKGIDROENERGOQURILISH» AJ

бош директори в.в.б.

и.б.



И.М. Гулмирзасев